

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**МАҚСУДОВ НАБИЖОН БАХОДИРОВИЧ**

**ГИГИЕНИК ВА ДЕФОРМАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ ЯХШИЛАНГАН**  
**КОМПРЕССИОН СПОРТ БУЮМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
авторефератининг мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Мақсудов Набижон Баходирович**

Гигиеник ва деформацион хусусиятлари  
яхшиланган компрессион спорт буюмларини  
ишлаб чиқиш технологиясини яратиш ..... 3

**Мақсудов Набижон Баходирович**

Разработка технологии производства спортивных  
компрессионных изделий с улучшенными  
деформационными и гигиеническими свойствами ..... 23

**Maqsudov Nabijon Bakhodirovich**

Development of a technology for the production  
of sports compression products with improved  
deformation and hygienic properties ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**МАҚСУДОВ НАБИЖОН БАХОДИРОВИЧ**

**ГИГИЕНИК ВА ДЕФОРМАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ ЯХШИЛАНГАН  
КОМПРЕССИОН СПОРТ БУЮМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т807 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нигматова Фатима Усмановна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алимова Халима Алимовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Арипджанова Дилафруз Ўктамовна**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 28 ноябрь 2020 йил соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси 5-уй, (+99871)253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (87-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси 5-уй, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил 17 ноябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил 14 ноябрдаги 87- рақамли реестр баённомаси).



**Б.О. Онорбоев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д. проф.

**А.Э. Гуламов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д. проф.

**Ш.Ш. Хакимов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д. доц.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги кунда янги технологияларни жорий этиш орқали тўқимачилик ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Жаҳон тўқимачилик бозорида тикув-трикотаж маҳсулотлари учун материаллар ишлаб чиқариш 120 млрд. м<sup>2</sup> ни ташкил этади, ушбу йўналишда етакчи ўринларни Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, АҚШ, Европа ва МДХ мамлакатлари эгаллайди”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг жаҳон амалиёти пахта-тола-ип-мато-тайёр тикув маҳсулотлари каби бешта босқичдан иборат вертикал интеграллашган саноат самарали ва рақобатбардош бўлишини кўрсатмоқда. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишини ҳар томонлама таҳлил қилиш, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан конъюнктураси соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватланишига, шунингдек, янада барқарор ва жадал ривожланиши механизмларини ишлаб чиқишга тақозо этмоқда.

Жаҳон амалиётида замонавий фан ва техника ютуқларини қўллаш, тўқимачилик корхоналаридаги техника ва технологияларни модернизациялаш ҳамда уларни ишлаб чиқариш жараёнларига кенг тадбиқ этишга йўналтирилган комплекс илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Трикотаж асосида янги материаллар ва буюмлар ишлаб чиқаришда алоҳида эътибор, экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини ошириш, четдан кириб келаётган импорт оқимини камайтириш, валюта захираларини тежаш ва аҳолининг ўсиб бораётган талабини қондиришга қаратилиши катта аҳамиятга эга. Трикотаж маҳсулотлари ассортиментининг тобора кенгайиши, истеъмолчилар турли эҳтиёжларини қондириши, жумладан, ижтимоий соҳаларда ҳам тегишли функционал вазифаларни ишлатилишига тобора кенгроқ йўналтирилиши муҳим ҳисобланади.

Республикада бугунги кунда катталар ва болалар учун мўлжалланган таркибида эластомер иплари бўлган кенг турдаги тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...”<sup>2</sup> вазифаси белгилаб берилган. Спорт буюмлари ассортименти таркибида комфорт шароит, қулайлик, эстетик ва эксплуатация жараёнида тиббий талабларни таъминловчи компрессион буюмлар алоҳида ўрин тутаяди. Бундай буюмлардан фойдаланиш улуши доимий ортиб бормоқда ва деярли барча буюм гуруҳларини, шу жумладан, устки ва ич кийимлар, пайпоқ, қўлқоп, профилактика, спорт ва спорт-тиббий

---

<sup>1</sup><http://textileexpo.ru/novosti/361-o-vygodakh-i-perspektivnykh-napravleniyakh-razvitiya-klasterov-v-otrasli-legkoj-promyshlennosti>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони

буюмларини камраб олади. Уларнинг асосий сифат кўрсаткичлари шинамлиқ ва компрессион кийимнинг инсон қоматига антропометрик мувофиқлиги бўлиб, шаклнинг морфологияси, замонавий дизайннинг асосий йўналишлари, материалларнинг сиқиш қобиляти ва уларнинг ёпиқ қобикларини деформациялаш механизми ҳақида маълумотга эга бўлмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиш мумкин эмас. Шу билан бирга, бундай буюмларнинг танани сиқиш вазифасига функционал мувофиқлигини таъминлаш учун тананинг турли жойларига компрессион таъсирнинг психофизиологик жихатдан асосланган даражасига эришишни башорат қилиш шунингдек, тана қисмларининг геометрик хусусиятлари ҳамда трикотаж матоларининг деформация хоссаларини эътиборга олган ҳолда кийим деталларининг конструктив параметрларини ва уларнинг торайиш чегараларини ҳисоблаш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилиқ ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон Фармони, “Тўқимачилиқ ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республикамизда ривожланиб бораётган муҳим фан ва технологияларнинг истиқболли йўналишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда ушбу мавзуга тегишли муаммолар бир қатор олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Танага зич ёпишган кийимлар ёйилмасини қуриш соҳасидаги назарий тадқиқотлар тўқимачилиқ материалларининг физик моделларига асосланган ва В.Н.Филатов, Г.П.Старкова, Э.Г.Андреева, Н.Л.Корнилова, И.А.Шеромова, В.Е.Кузмичев, З.Р.Иванова, И.В.Тисленко, J. Mc.Cartney, В.К.Hinds, С.L.Wang илмий изланишларида ўз ифодасини топган, уларнинг аксарияти учун дастлабки талаблар ва чекловлар шакллантирилган, муайян шартлар ва мезонларни ҳисобга олган ҳолда буюмни лойиҳалаш ва текшириш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Мамлакатимизда ушбу йўналишда Ҳ.А.Алимова, М.М.Муқимов, И.Г.Шин, Ф.У.Нигматова, Н.Р.Ханхаджаева ва бошқалар ҳам илмий тадқиқотлар олиб боришган ва унга муносиб ҳисса қўшганлар. Аввалги ўтказилган тадқиқот ишлари танага зич ёпишган кийимларда материалнинг деформацияланиши бўйича рухсат этилган ва буюмнинг вазифасига қараб дифференциялашган чекловларни белгилашга имкон берди. Бироқ, трикотаж матоларининг ва инсон танаси юзасининг параллел деформацияланишига асосланган компрессион кийимларнинг ҳақиқий ишлаш механизми, лойиҳалаш вақтида конструктив параметрларни танлашга комплекс ёндашувни талаб қилади.

Компрессион буюмнинг сифати керакли босим даражасини сақлаб туриши ва эксплуатация вақтида қулайликни таъминлаш қобилияти билан белгиланади. Компрессион терапия соҳасидаги кенг тарқалган синтетик матолар гигиеник талабларга жавоб бермайди. Шу боис, мазкур диссертацияда компрессион буюмларни тайёрлашда эксплуатацион характеристикаларга эга бўлган ва инсон организмига ижобий таъсир этувчи табиий тола қўшилган аралаш матолардан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланиб, ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Итех-2018-2 «Маҳаллий хомашёлардан тўқимачилик материалларини яратиш инновацион технологияси асосида болалар ва катталар учун спорт ва даволовчи-профилактика буюмларини лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эластик трикотаж матоларининг сиқиш даражаси ва физик-механик хусусиятларини эътиборга олиб, компрессион спорт буюми деталлари конструктив параметрларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш асосида гигиеник ва деформацион хусусиятлари яхшилланган компрессион спорт буюмларини ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

трикотаж матоларининг белгиланган сиқиш ва чўзилувчанлик даражаси бўйича компрессион спорт буюмларини лойиҳалашнинг замонавий усулларини таҳлил қилиш;

компрессон спорт кийимларини лойиҳалашда танага зич ёпишган буюм деталларини торайтириш кийматларини аниқловчи трикотаж матоларининг деформацион хоссаларини назарий ва экспериментал тадқиқ этиш;

юпка анизотроп қобиқларнинг моментсиз назарияси асосида компрессион буюм ҳосил қиладиган босимни ҳисоблаш ва башорат қилиш;

сиқиш эффектига эга бўлган янги структурали эластик материллардан спорт буюмларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан таъминлаш;

сиқиш эффектига эга трикотаж матоларининг гигиеник хусусиятларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

полиуретан иплари қўшилган трикотаж матоларидан тайёрланган компрессион спорт буюмлари конструкциясини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва амалиётга жорий қилиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида эластик трикотаж матолари, таркибида эластомер иплари бўлган компрессион спорт буюмлари, ва уларни лойиҳалаш жараёнлари олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида трикотаж матоларининг физик-механик хусусиятлари, сиқиш эффектига эга спорт буюмларини лойиҳалаш усуллари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида компрессион буюмларни (қайишқоқ қобик) лойиҳалаш назариясининг асосий тамойиллари, тизимли таҳлилларни назарий элементлари, ижтимоий тадқиқотлар усуллари ва математик статистика, физик-механик жараёнлар назарияси, тўқимачилик саноати соҳасидаги меъёрий-техник ҳужжатлар. Jemini CAD, Auto Cad, Corel Draw дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тана ўлчамларининг динамик ўсиши ва трикотаж матоларининг деформацион хусусиятларини эътиборга олиб, компрессион спорт буюмларининг конструкциясини торайтириш ва нисбий узайиши коэффицентларини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган;

тизза бўғимининг турли қисмлари (болдир, тизза, соннинг пастки қисми) учун максимал рухсат этилган босим ва экспериментал трикотаж матонинг ўқ бўйлаб чўзилиш диаграммаси асосида компрессион тиззабанднинг айлана ўлчамларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

матонинг нисбий деформацияси ва чўзувчи кучларни моделлаш орқали тана юзасига таъсир этувчи босимнинг башорат қилинган қийматлари асосида сиқиш эффектига эга тиззабанд конструкцияси параметрларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор тола таркиби, тузилиши, юза зичлиги, қалинлиги ва сиқиш эффекти билан фарқ қилувчи эластик трикотаж матоларининг гигиеник хоссаларини баҳолаш имконини берувчи нисбий ва солиштирма тер шимиш коэффицентлари тавсия этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

матонинг нисбий деформацияси ва чўзувчи кучларни моделлаш орқали тана юзасига таъсир этувчи босимнинг башорат қилинган қийматлари асосида сиқиш эффектига эга тиззабанд конструкцияси параметрларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

тизза бўғимининг турли қисмлари (болдир, тизза, соннинг пастки қисми) учун рухсат этилган босим бўйича компрессион спорт тиззабанднинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган, натижада тиззабанд ассортиментини кенгайтириш, кийишда қулайлигини ва гигиеник хоссаларини яхшилашга эришилган;

эластик трикотаж матолардан спорт буюмларини ишлаб чиқаришда янги конструкциядан фойдаланиш бўйича тавсиялар тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Назарий ва экспериментал тадқиқотлар, синов натижалари ва уларни таққослашнинг ижобий натижалари, шунингдек, баҳолаш мезонларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг ижобий натижаларини илм-фан соҳасида илгари олинган маълумотлар билан таққослаш билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий ва назарий аҳамияти:**

таркибида эластомер ипли трикотаж матолардан компрессион спорт буюмларини лойиҳалаш усуллари ишлаб чиқилган; уларнинг сиқиш қобилиятини баҳолаш бўйича маълумотлар тизимлаштирилган ҳамда



формаллаштирилган, чўзилувчан матолардан компрессион кийимларни шакллантириш бўйича амалий тавсиялар беришга имкон берган;

релаксация хоссалари билан фарқланувчи эластик матолардан танага зич ёпишиб турувчи спорт буюмлари конструкциясини торайиш ва нисбий узайтиришнинг базавий қийматларини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, компрессион спорт буюмлари конструкциясини торайтириш коэффициентларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган;

тизза бўғинининг турли қисмлари (болдир, тизза, соннинг пастки қисми) учун рухсат этилган босим бўйича компрессион спорт тиззабанднинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган, натижада тиззабанд ассортиментини кенгайтириш, кийишда қулайлигини ва гигиеник хоссаларини яхшилашга эришилган;

эластик матолардан спорт буюмларини ишлаб чиқаришда янги конструкциядан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гигиеник ва деформацион хусусиятлари яхшиланган компрессион спорт буюмларини ишлаб чиқиш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

маҳаллий хомашёдан тўқилган эластик трикотаж матоларининг янги ассортиментидан компрессион спорт буюмларини ишлаб чиқариш технологияси “Zarafshon tekstil” МЧЖда жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2020 йил 26 июндаги 04/18-1660-сон маълумотномаси). Натижада, тайёр буюмнинг қайишқоқ-эластик деформация кўрсаткичлари 98% га яхшиланган ҳамда таннархини камайтиришга эришилган;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари модел-дизайнерлик цехи шароитида эластик трикотаж матоларидан компрессион спорт шими ва футболкалар дизайни ҳамда технологияси “SINTEZ GROUP” МЧЖда жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2020 йил 26 июндаги 04/18-1660-сон маълумотномаси). Натижада, сиқиш эффектига эга янги ассортиментидан компрессион спорт буюмларини ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилди, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 5 таси республика ва 3 таси чет эл журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Спортга мўлжалланган компрессион буюмларнинг замонавий ҳолати ва лойиҳалаш хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида компрессион спорт буюмларини лойиҳалаш назарияси ва амалиётини такомиллаштириш билан шуғулланган олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини натижалари бўйича адабиёт манбаларининг аналитик таҳлили келтирилган.

Компрессион спорт буюмларини замонавий ассортиментни таҳлили ўтказилган бўлиб, уларнинг қоматда антропометрик жойлашувига кўра гуруҳланиши асосида компрессион спорт буюмларининг такомиллаштирилган классификацияси ишлаб чиқилган. Спортчилар ўртасида ўтказилган аналитик ва маркетинг тадқиқотлари натижасида компрессион буюмларга қўйиладиган функционал талаблар аниқланган.

Илмий манбаларни таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг **“Спорт кийимлари учун трикотаж матоларининг сиқиш қобилиятини назарий-экспериментал тадқиқотлари”** деб номланган иккинчи бобида саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган трикотаж матоларининг спорт кийимлари учун сиқиш қобилиятини баҳолаш натижалари ва компрессион буюмларда ҳосил бўлган босимни юпқа анизотроп қобиқларнинг моментсиз назариясига мувофиқ ҳисоблаш ва башорат қилишни назарий асосланиши келтирилган. Эластик трикотаж матоларининг деформацион хусусиятларининг тадқиқоти натижалари асосида уларнинг сиқиш қобилиятини баҳолаш амалга оширилган.

Танага зич ёпишиб турувчи спорт кийими учун конструктив қўшимчалар ва габарит ўлчамларни танлашга таъсир қилувчи трикотаж матоси хусусиятларининг асосий кўрсаткичи, уларнинг чўзилиш гуруҳларидан бирига тегишлигидир. Тадқиқ этилган трикотаж матоларининг чўзилиш қийматлари 25-113% оралиғида ўзгариши аниқланди, шу билан бирга трикотаж матоларнинг эластиклиги ўртача 90,5-91,8% ни ташкил қилди ва қолдиқ деформация қиймати 4% дан ошмайди. Бу эса спорт кийими учун мўлжалланган экспериментал трикотаж матоларининг чўзилгандан кейин шаклини тиклаш қобилияти яхши эканлигини кўрсатди (1-расм).



1-расм. Эластик трикотаж мато намуналарининг эни бўйича бир даврли деформация диаграммаси

Эластик трикотаж матолари (20 турдан ортиқ) чўзилувчанлик кўрсаткичлари асосида гуруҳланиб, танага зич ёпишиб турувчи кийим деталларини торайтириш базавий чегаралари ва нисбий узайиш коэффициенти аниқланган. Трикотаж матоларини торайтириш чегарасининг базавий қийматлари 25,0% дан 53,0% гача (1-жадвал); узайиш чегаралари эса 1,2% дан 30,5% оралиғида ўзгариши исботланди. Эластик матолар деформацион хоссаларининг аниқланган кўрсаткичлари компрессион спорт кийимининг асосий ўлчами-буюм кенглигини ҳисоблашда бошланғич маълумот сифатида хизмат қилади.

1-жадвал

Спорт кийимлари учун эластик трикотаж матоларининг чўзилувчанлик гуруҳлари бўйича тавсия этилган торайтириш чегарасининг базавий қийматлари

Чўзилиш гуруҳи	Матонинг чўзилиш кенглиги $\varepsilon_p$ , (%)	Торайтиришнинг асосий чегаралари оралиғи, $K_\varepsilon$ , (%)	Намуна рақами
1 гуруҳ	20 гача	12 - 14	-
2 гуруҳ	20 дан 30 гача	20 - 22	-
3 гуруҳ	30 дан 45 гача	27 - 29	14
4 гуруҳ	45 дан 60 гача	34 - 36	1,4,5,8,9,10,13.
5 гуруҳ	60 дан юқори	40 дан юқори	2,3,6,7,11,12,15

Компрессион буюмларни сифати ва уларнинг вазифасини белгиловчи энг муҳим хусусияти инсон танасига таъсир қилувчи босим даражасидир.

Максимал рухсат этилган босим қиймати ва тўқимачилик материалларининг ўқ бўйлаб чўзилиш диаграммаси асосида компрессион (бандаж) тиззабанднинг айланма ўлчамларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди. Тиззабанд томонидан ҳосил бўлган кучланиш ҳолатини баҳолаш юпқа қобикнинг моментсиз назарияси асосида амалга оширилди.

Тизза таянч юзасининг топографияси ва ҳаракат зонасидаги максимал деформация майдонини ўрганиш асосида тиззабанднинг ўлчамлари аниқланади. Компрессион тиззабанднинг ўлчамларини ҳисоблашда ўқ бўйлаб симметрик бўлган  $h$  қалинликдаги қобикқа таъсир қилувчи меридионал  $\sigma_m$  ва айланма  $\sigma_t$  кучланиш орқали ифодаланган Лаплас тенгламаси қўлланган (2-расм):

$$\frac{\sigma_m}{\rho_m} + \frac{\sigma_t}{\rho_t} = \frac{p}{h}, \quad (1)$$

бу ерда  $\rho_m, \rho_t$ —мос равишда меридиан ёйига перпендикуляр бўлган, қобикнинг ўрта сирти меридиан ва нормал кесимнинг эгрилик радиуслари, м;  $p$ —қобик элементига қўйилган нормал босим кучи, Па.

(1) формула қобикнинг моментсиз назарияси асосида олинган бўлиб, қобик юпқалиги туфайли унда пайдо бўладиган кучланиш матонинг қалинлиги бўйича ўзгармайди, шунинг учун қобик эгилмайди. Айлана жисм кўринишидаги (цилиндр ёки конус) қобик учун эгрилик радиуси  $\rho_m = \infty$ , шунинг учун:

$$\frac{\sigma_m}{\rho_m} = 0, \quad \rho_t = r = \frac{C}{2\pi}, \quad (2)$$

бу ерда  $C$ -берилган  $r$  радиусли кўндаланг кесимда қобик айланасининг узунлиги.

Агар қобикнинг қалинлиги  $h$  ни тўқимачилик материалнинг қалинлиги, масалан, трикотаж полотноси учун  $\delta$  сифатида кўриб чиқилса ва нормал босим  $p$  сифатида тиззабанд томонидан ҳосил бўлган максимал рухсат этилган босим  $p$  қабул қилинса, унда (1) формулани куйидаги кўринишда келтириш мумкин:

$$\sigma_t = \frac{[p]}{\delta} \cdot \rho_t \quad \text{ёки} \quad \sigma_t = \frac{[p]}{\delta} \cdot \frac{C}{2\pi}, \text{ Па} \quad (3)$$


Айланма йўналишида нормал кучланишларни ҳисоблашда бир қатор тахминларни киритамиз: тана қисмларининг кўндаланг кесими  $C$  айлана узунлиги билан доира шаклида қабул қилинади; кийимдаги матонинг бўйлама чўзилиши ҳисобга олинмайди; намунанинг нисбий узайиши манфий конструктив қўшимчага эквивалент; юкланиш элементининг кўндаланг кесими юзаси яхлит деб қабул қилинади.

Кучланишни (3) формула бўйича ҳисоблаш учун рухсат этилган босим  $[p]$  сифатида Lawrence ва Kakkar томонидан спортчиларнинг компрессион кийими билан ўтказилган экспериментал тадқиқот натижаларини қабул қилиш мумкин (2-жадвал).


Спортчи танасига компрессион кийим кўрсатадиган босимнинг тавсия қилинган қийматлари

Т.р	Ўлчаш жойи	Босим, мм. симоб устуни	Босим, кПа
1	Тўпиқ	18	2,399...3,999
2	Болдир	14	2,346...3,333
3	Тизза	8	1,493...2,666
4	Соннинг пастки қисми	10	1,213...2,399

Агар 2-жадвалдаги босим қийматларини таркибида махсус эластик ипли, сиқиш кучи бўйича классификацияланган буюмларнинг босими билан солиштирсак, унда бу буюмларни профилактик ( $\rho=1,33...3,32$  кПа) ва компенсацияловчи ( $\rho=3,32...6,65$  кПа) деб ҳисоблаш мумкин. Уларга спорт, спорт-тиббий ва тиббий вазифали буюмлар киради.



2-расм. Ташқи  $p$  босим таъсири остида цилиндрсимон қобик элементининг юкланиш характери



3-расм. Тиззабандни лойиҳалаш учун ўлчам белгилари

3-расмда компрессион тиззабандни лойиҳалаш учун ўлчам қийматлари берилган. Тиззабанднинг конструкцияси фақат тизза айлана узунлиги билан чекланмайди (3-расм, С). Соннинг пастки қисми ўлчамини (тиззадан юқори айлана узунлиги) (3-расм, А) ва болдир айлана узунлигини ҳисобга олиш зарур (3-расм, В). Буюмларнинг ўлчамига мувофиқ равишда ушбу қийматлар 3-жадвалда келтирилган.

Бандажли тиззабандни 2-жадвалдаги берилган қийматларга мос равишда лойиҳалашда тизза бўғими яқинидаги тана қисмлари учун рухсат этилган босим  $[p]$  қиймати қуйидагича қабул қилинган: соннинг пастки қисмида -1,806 кПа; тизза қисмида -2,08 кПа; болдир қисмида -2,84 кПа.

## Тиззабанднинг ўлчам қийматлари

Т.р	Буюмни ўлчами, см	Намуна рақами				
		1 (S)	2 (M)	3 (L)	4 (XL)	5 (XXL)
1	Соннинг пастки қисм айланасининг узунлиги (А)	38-41	41-44	44-47	47-50	50-53
2	Тизза айланасининг узунлиги (С)	27-30	30-33	33-36	36-39	39-42
3	Болдир айланасининг узунлиги (В)	28-31	31-34	34-37	37-40	40-43

## Сиқиш эффектига эга трикотаж матоларини хорижий аналогларининг техник кўрсаткичлари

Т.р	Мато намунаси	Бренднинг номи, ишлаб чиқарувчи мамлакат	Толавий таркиби, (%)	Ипнинг чизиқли зичлиги, Т (текс)	Қалинлиги (мм)	Сиртки зичлиги (г/м <sup>2</sup> )
1	Намуна 1	Mediven® (Германия)	Нейлон 75 Спандекс 25	20 8	0,48	102
2	Намуна 2	Mediven® (Германия)	Нейлон 72 Спандекс 28	24 18	0,49	206
3	Намуна 3	Varodem® (Бельгия)	Нейлон 67 Спандекс 33	24 15,3	0,53	240
4	Намуна 4	Varodem® (Бельгия)	Нейлон 63 Спандекс 37	34 27	0,61	313
5	Тажриба намунаси		Нейлон 70 Латекс 30	69,9 62	1,33	461,6

Ҳосил қилинадиган поғонали компрессия (сиқиш кучи) бандажли тиззабанд намунаси ёрдамида таъминланиши керак. “Тизза” соҳасида ҳосил бўлган паст босим шу билан изоҳланадики, оёқ катта амплитуда билан ҳаракатланганда тизза бўғинларининг эгилиши пайтида босим ўсиб боради.

Тизза бўғимининг турли қисмлари учун 3-жадвалдаги (5-рақамли тиззабанд учун) ва 4-жадвалдаги (экспериментал намунаси учун) қийматлар бўйича (3) формулани қўллаб айланма кучланиш  $\sigma_t$  ҳисоби бажарилган (ҳисобларда берилган диапазонлардан босимнинг ўртача қиймати қабул қилинган):

болдир:

$$\sigma_t = \frac{[\rho]}{\delta} \cdot \frac{C}{2\pi} = \frac{2,84 \cdot 10^3 \cdot 40 \cdot 10^{-2}}{1,33 \cdot 10^{-3} \cdot 2 \cdot 3,14} = 136008,8 \text{ Па};$$

тизза:

$$\sigma_t = 97121,8 \text{ Па};$$

соннинг пастки қисми:

$$\sigma_t = 108112,6 \text{ Па}.$$

Нормал кучланиш  $\sigma_t$  нинг олинган қийматлари бўйича узунлиги  $l=30$  см ва мато қалинлиги  $\delta=1,33$  мм бўлган тиззабанднинг чўзилиши натижасида ҳосил бўлган айланма куч  $F_t$  ни аниқланди:

$$\text{болдир: } F_t = \sigma_t \cdot \delta l = 136008,8 \cdot 1,33 \cdot 10^{-3} \cdot 30 \cdot 10^{-2} = 54,26 \text{ H};$$

$$\text{тизза: } F_t = \sigma_t \cdot \delta l = 97121,8 \cdot 1,33 \cdot 10^{-3} \cdot 30 \cdot 10^{-2} = 38,75 \text{ H};$$

$$\text{соннинг пастки қисми: } F_t = \sigma_t \cdot \delta l = 108112,6 \cdot 1,33 \cdot 10^{-3} \cdot 30 \cdot 10^{-2} = 43,13 \text{ H}.$$


Компрессион трикотаж матосининг чўзилиш диаграммасидан фойдаланиб (4-расм) (экспериментал намунасининг тола таркиби: нейлон 70% + латекс 30%), материалнинг бир ўкли чўзилиши вақтидаги нисбий деформацияси  $\varepsilon$  (%) ни ҳисоблаш мумкин. Демак, болдир ва соннинг пастки қисми учун нисбий деформация  $\varepsilon$  100% чегарада (намуна эни бўйича), тизза учун  $\varepsilon = 90$  % чегарада топилади. Нисбий деформация  $\varepsilon$  нинг қиймати бўйича тиззабанднинг бошланғич (юкланмаган) ҳолатдаги айланаси узунлиги  $L_\rho$  нинг ҳисоблаш қийматларини аниқлаш мумкин:

$$L_\rho = \frac{L}{1 + \varepsilon}; \quad \varepsilon = \frac{L - L_\rho}{L_\rho}, \quad (4)$$

бу ерда  $L_\rho$ –тана оёқ қисмларининг айланаси узунлигини ҳисобланган қиймати;  $L$ –ўлчам белгиси катталиги (3-жадвал).


Тизза бўғимининг кўриб чиқилган қисмлари учун айлана узунлигининг ҳисобланган қиймати  $L_\rho$  мос равишда қуйидагиларни ташкил қилди: болдир учун (20...21,5 см), тизза (20,5...22 см) ва соннинг пастки қисми (25...26,5 см).

Компрессион тиззабандни лойиҳалаш хусусиятлари, жумладан, буюмнинг моделлар ва размерлар қатори ишлаб чиқилди ва андозаларини лойиҳалаш усули кўриб чиқилди.



4-расм. Нейлон 70% + латекс 30% (намуна эни бўйича) тола таркибли юқори эластик трикотаж матоларининг чўзилиш диаграммаси

5-расмда оёқнинг ҳар бир кўриб чиқиладиган қисми бўйича айланалар узунлигига мос келувчи диаметр  $d$  нинг турли хил қийматларидан тузилган компрессион тиззабанднинг ҳисобланган контури кўрсатилган. Келтирилган алгоритм бўйича тиззабанднинг қолган ўлчамлари учун параметрларини ҳисоблаш мумкин.



5-расм. 5-рақамли буюм ўлчами учун трикотаж матодан (нейлон 70 % + латекс 30 %) тайёрланган диаметр  $d$  билан бандажли тиззабанднинг ҳисобланган контури





Шундай қилиб, тизза бўғимининг турли қисмлари (болдир, тизза, соннинг пастки қисми) учун максимал рухсат этилган босим ва экспериментал трикотаж матонинг ўқ бўйича чўзилиш диаграммаси асосида компрессион тиззабанднинг айлана ўлчамларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Шу билан бирга тиззабанд томонидан ҳосил бўлган кучланиш ҳолатини баҳолаш юпқа қобикнинг моментсиз назарияси асосида Лаплас формуласини қўллаб бажарилди.



Диссертациянинг “**Сикиш эффеќтига эга эластик материалларнинг янги турларидан спорт буюмларини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш**” деб номланган учинчи бобида қоматнинг белдан пастки қисми морфологиясининг трикотаж мато тузилишига таъсирини ўрганиш, компрессион спорт тиззабандини ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаш ва технологик таъминлаш, унинг гигиеник хусусиятларини баҳолаш бўйича тадқиќот натижалари таќдим этилган.

Турли аралаш толали (пахта -50%, спендекс -25%, латекс -25%; нейлон-70%, латекс-30%), мос равишда юза зичликлари  $461,6$  г/м<sup>2</sup> ва  $551,3$  г/м<sup>2</sup> бўлган кулир бир қатламли эластик трикотаж таклиф қилинди. Компрессион (сикиш) эффеќтига эга бўлган эластик трикотаж тўқиш учун тахтлаш параметрлари асосланди ва Италия фирмасининг “Матес”, 9-синф айлана игнадонли пайпоќ тўқиш автоматида спорт буюмларини ишлаб чиқаришга хос бўлган технологик ўтимлардан фойдаланилди (5-жадвал).



Италия фирмасининг «Matec» 9-синф айлана игнадонли пайпоқ тўқиш машинасида экспериментал йўли билан олинган трикотаж мато намунаси

Намуна рақами	Тўқиш тури	Толавий таркиби, (%)	Ипнинг чизиқли зичлиги, (Текс.)	Матонинг юза зичлиги, (г/м <sup>2</sup> )	Тўқиш схемаси	Намунани ташқи кўриниши
1	Кулир гладь	Пахта 50 Спандекс 25 Латекс 25	20 18 110	461,6		
2	Кулир гладь	Нейлон 70 Латекс 30	69,9 62	551,3		



6-расм. Экспериментал намуналарининг бир даврли чўзилиш деформацияси  
а) намуна эни бўйича; б) намуна узунлиги бўйича

Трикотаж мато намуналарининг ярим ва бир даврли деформация кўрсаткичлари асосида олинган релаксация графикларининг тадқиқи эни ва бўйи

бўйича мос равишда 365 ва 450 Н узилиш кучига эга бўлган полотно олиш имконини берди. Деформациянинг релаксация эгри чизиғидан тўлиқ чўзилиш деформациясининг қайтган қисми улуши (қайишқоқ ва эластик деформация йиғиндиси) 88...98% эканлиги аниқланди, шу билан бирга, қайишқоқ компонент эластикдан кўп мартаба юқори натижа берди.

Деформациянинг қисмлари таҳлилидан (6-расм) кўришиб турибдики, юк мато намуналарига ҳалқа қатори ва ҳалқа устуни бўйлаб таъсир қилганда ҳар иккала ҳолатда ҳам қолдиқ деформация қиймати 3% дан ошмайди, бу эса спорт кийимлари учун мўлжалланган экспериментал трикотаж матоларининг яхши тикланиш қобилиятини кўрсатади.

Инсон терморегуляциясининг муҳим механизми бўлган терлаш оғир жисмоний меҳнат, спорт ва ташқи муҳитнинг юқори ҳароратида катта аҳамиятга эга.

Тола таркиби (пахта, спандекс, нейлон, полиэстер, лайкра, латекс), юза зичлиги ва қалинлиги турлича бўлган экспериментал трикотаж матоларининг тер шимиш кинетикаси ва унинг максимал (чегара) қийматлари контакт усули билан тажрибада аниқланди.

Мато намунаси томонидан сорбция, капилляр конденсация ва сувни шимиш натижасида шимилган сунъий тернинг (намлик) миқдори синов материални намлик шимиш кўрсаткичи бўлиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$P_B = \frac{m_B - m_C}{m_C} \cdot 100, \% \quad (5)$$

бу ерда  $m_B$  - намунанинг намликдаги массаси, г;


$m_C$  - намунанинг дастлабки намлик массаси, г.

7-расмда намуна тананинг хўл юзаси билан контактда бўлиш вақтининг намлик (тер) ортишига кинетик боғлиқлигини аниқлаш бўйича тажриба натижалари кўрсатилган. Фақат 1-намуна (пахта-50%, спандекс-25%, латекс-25%) учун терни тўлиқ шимиш вақти 300...360 секундни ташкил этди. Қолган намуналарда эса намлик 120...240 секунд ичида тўлиқ шимди.

Мато ва буюмларни гигиеник баҳолашда гигроскопик хусусиятларни тавсифловчи тер шимиш кўрсаткичини қиёсий баҳолаш учун нисбий  $P_B^o$ , ва солиштирма  $P_B^y$  тер шимиш коэффициентлари таклиф этилди. Ушбу коэффициентлар бир хил ўлчамли, лекин юза зичлиги ва қалинлиги ҳар хил бўлган турли намуналарнинг тер шимиш кўрсаткичини ўзаро таққослаш имконини беради. Шу боисдан намликни шимиш интенсивлигини қиёслаш учун нисбий  $P_B^o$ , ва солиштирма  $P_B^y$  тер шимиш кўрсаткичларни ушбу формулалар бўйича аниқлаш таклиф этилди:

$$P_B^o = \frac{P_B}{M} \cdot \frac{m\Gamma}{\left(\frac{\Gamma}{M^2}\right)}; \quad P_B^o = \frac{P_B}{M \cdot B} = \frac{P_B^o}{B} \cdot \frac{m\Gamma}{\left(\frac{\Gamma}{M^2}\right) \cdot mm}, \quad (6)$$

бу ерда  $P_B$ -мутлақ намликнинг ортиши, мг;  $M$ -матонинг юза зичлиги, г/м<sup>2</sup>;  $B$ -трикотаж матонинг қалинлиги, мм.



7-расм. 1...5 рақамли намуналар тананинг ҳўл юзаси билан контактда бўлган вақтида  $P_v$  (%) намлик ортишини кинетик боғлиқлиги

Таркибида нейлон ва полиэстер синтетик толаси (4 ва 5-рақамли) бўлган намуналар гидрофоб матоларга киради ва деярли оз миқдорда намликни шимади (намликнинг ортиши 240 секундда 3,7 мг). Пахта толали намунада толаларнинг тер шимиш суратининг тез бориши ҳисобига намликнинг узлуксиз ортиши ва кучли гидрофиллик хусусиятлар кузатилди (намликнинг ортиши 300 секундда 4,2 мг).


Диссертациянинг «Компрессион спорт кийимлари рационал конструкциясини қуриш методикасини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида компрессион спорт кийимларини конструкциялаш усуллари ва торайтириш коэффицентларини апробация қилишга бағишланган.

Эластик материаллардан компрессион буюмларнинг рационал конструкциясини қуриш алгоритми ва уни модификациялаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, у трикотаж матоларининг геометрик ва деформацион хоссалари, кийимнинг спортчи танасига ўтказадиган босим таъсири, тана ўлчамларининг динамик ўсишига қараб, кийим деталларини торайтириш базавий чегараси ва нисбий узайиши коэффиценти қийматларини ҳисоблашдан иборат.

Компрессион спорт майканинг базавий конструкцияси (БК) 2-гуруҳдаги чўзилувчан трикотаж матолардан ишлаб чиқилди, унинг деталлари торайиши 34% ни ташкил этди. Буюм деталларининг кенглиги модификациялашдан кейин БК ўлчовларидан 2...10 см гача фарқ қилиши мумкинлиги аниқланди. Турли чўзилиш гуруҳига кирган эластик матолардан буюмнинг БК ва МК чизмаларини босқичма-босқич қуриш алгоритмини амалга ошириш Jemini CAD тизимида бажарилди (8-расм).

2-бобда ишлаб чиқилган тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, эластик матолардан қоматнинг белдан пастки қисми пластикасини тўғрилайдиган ва статика ва динамикада шимнинг қулайлигини оширувчи компрессион спорт

шимларини лойиҳалаш усуллари синовдан ўтказилди. Икки турдаги: *push-up* сиз ва *push-up* эффектли компрессион шимларининг конструкциясини ҳисоблаш ва қуриш принципи тавсифланади.



8-расм. Компрессион спорт майкасини олд ва орт бўлак адозалари

Ишлаб чиқарилган компрессион спорт буюмлари спортчиларда юқорига сакраш машқларида эргономик сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказилди ва уларнинг сифат даражаси импорт намуналаридан кам эмаслиги исботланди. Диссертациянинг натижалари “SINTEZ GROUP” МЧЖ ва “ZARAFSHON TEKSTIL” МЧЖ корхоналарига жорий этилди. Маҳаллий хомашёдан тўқилган эластик трикотаж матоси янги ассортиментидан компрессион спорт буюмларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида тайёр буюмнинг сифати яхшиланиши ва таннархи камайиши аниқланди. Бунинг натижасида 3 ойлик иқтисодий самарадорлик тизабанд тўқишда 192270589 сўмни ва тирсакбанд тўқишда 66798793 сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСА

**“Гигиеник ва деформацион хусусиятлари яхшиланган компрессион спорт буюмларини ишлаб чиқиш технологиясини яратиш”** мавзусидаги диссертация бўйича ўтказилган назарий ва амалий тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Компрессион буюмлар ассортиментини кўп қиррали таҳлили шуни кўрсатдики, деярли ҳар бир базавий элементни таклиф этилган антропоморф белгилар бўйича классификациядан келиб чиқиб махсус тузатувчи, даволовчи ва қўллаб қувватловчи буюмлар, масалан, спорт билан шуғулланишга мўлжалланган буюмлар, ва хусусан бандаж буюмлар билан тўлдириш мумкин.

2. Компрессион хусусиятли (танани сиқиш хусусиятига эга) материалларнинг замонавий ассортименти таҳлили қуйидаги муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда компрессион буюмларни яратиш жараёнлари ва усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди: ноёб табиий хоссаларга эга бўлган табиий толаларни қўллаш асосида компрессион буюмлар сифатини яхшилаш; спортчилар эҳтиёжлари ва социологик тадқиқотлар орқали аниқланган компрессион буюмлар истеъмолчилари талабини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий хом ашёдан янги турдаги эластик матолар яратиш.

3. Турли толали композицияга эга (пахта -50%, спендекс -25%, латекс -25%, нейлон -70%, латекс -30%), мос равишда юза зичликлари 461,6 г/м<sup>2</sup> ва 551,3 г/м<sup>2</sup> бўлган кулир бир қатламли эластик трикотаж ишлаб чиқилди. Компрессион (сиқиш) эффектига эга бўлган эластик трикотаж тўқиш учун тахтлаш параметрлари асосланди ва Италия фирмасининг “Matec”, 9-синф айлана игнадонли пайпоқ тўқиш автоматидида спорт буюмларини ишлаб чиқаришга хос бўлган технологик ўтимлар қўлланди.

4. Экспериментал трикотаж матоларининг ярим ва бир даврли деформация кўрсаткичлари асосида олинган релаксация графикларининг тадқиқи эни ва бўйи бўйича мос равишда 365 ва 450 Н узилиш кучига эга бўлган полотно олиш имконини берди. Деформациянинг релаксация эгри чизигидан тўлиқ чўзилиш деформациясининг қайтган қисми улуши (қайишқоқ ва эластик деформация йиғиндиси) 88...98% эканлиги аниқланди, шу билан бирга қайишқоқ компонент эластикдан кўп мартаба юқори натижа берди.

5. Турли гуруҳдаги эластик матоларнинг чўзилувчанлик кўрсаткичларига асосланиб, танага зич ёпишиб турувчи кийим деталларини торайтириш базавий чегаралари ва нисбий узайиш коэффициенти аниқланган. Трикотаж буюмларини торайтириш чегарасининг базавий қийматлари 25,0% дан 53,0% гача; узайиш чегаралари эса 1,2% дан 30,5% оралиғида ўзгариши исботланган. Тажрибалар асосида олинган эластик матоларнинг деформация хусусиятлари натижаларидан компрессион спорт кийимининг асосий ўлчами-буюм кенглигини ҳисоблашда конструктив қўшимча қийматини аниқлаш учун бошланғич маълумот сифатида фойдаланиш мумкин.

6. Тизза бўғимининг турли қисмлари (болдир, тизза, соннинг пастки қисми) учун максимал рухсат этилган босим ва экспериментал трикотаж матонинг ўқ бўйича чўзилиш диаграммаси асосида компрессион тиззабанднинг айлана ўлчамларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Бунда тиззабанд томонидан ҳосил бўлган кучланиш ҳолатини баҳолаш юпқа қобикнинг моментсиз назарияси асосида Лаплас формуласидан фойдаланиб амалга оширилган.

7. Турли толали таркибга (пахта, спандекс, нейлон, полиэстер, лайкра, латекс), юза зичлиги ва қалинликка эга бўлган экспериментал трикотаж матоларининг тер шимиш кинетикаси ва унинг максимал (чегара) қийматлари контакт усулида тажрибада аниқланган. Матолар ва буюмларнинг гигиеник хоссаларини баҳолашда гигроскопик хусусиятларини тавсифловчи тер шимиш кўрсаткичини қиёсий баҳолаш учун нисбий  $P_B^0$ , ва солиштирма тер шимиш коэффициентлари  $P_B^Y$  таклиф этилди. Ушбу коэффицентлар бир хил ўлчамдаги,

лекин юза зичлиги ва қалинлиги ҳар хил намуналарнинг тер шимиш (ютиш) қобилиятини ўзаро таққослашни осонлаштиради.

8. Компрессион спорт майканинг базавий конструкцияси (БК) 2-гуруҳдаги чўзилувчан трикотаж матолардан ишлаб чиқилди, унинг деталлари торайиши 34% ни ташкил этган. Буюм деталларининг кенглиги модификациялашдан кейин БК ўлчовларидан 2...10 см гача фарқ қилиши мумкинлиги аниқланди. Турли чўзилиш гуруҳига кирган эластик матолардан буюмнинг БК ва МК чизмаларини босқичма-босқич қуриш алгоритмини амалга ошириш Jemini CAD тизимида бажарилган.

9. Диссертациянинг натижалари “SINTEZ GROUP” МЧЖ ва “ZARAFSHON TEKSTIL” МЧЖ корхоналарига жорий этилди. Маҳаллий хомашёдан тўқилган эластик трикотаж матоси янги ассортиментидан компрессион спорт буюмларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида тайёр буюмнинг сифати яхшиланиши ва таннархи камайиши исботланган. Жами 3 ойлик иқтисодий самарадорлик тизабанд тўқишда 192270589 сўмни ва тирсакбанд тўқишда 66798793 сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**МАКСУДОВ НАБИЖОН БАХОДИРОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА СПОРТИВНЫХ  
КОМПРЕССИОННЫХ ИЗДЕЛИЙ С УЛУЧШЕННЫМИ  
ГИГИЕНИЧЕСКИМИ И ДЕФОРМАЦИОННЫМИ СВОЙСТВАМИ**

**05.06.04- Технология швейных изделий и дизайн костюма**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.4.PhD/Т807.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.titli.uz](http://www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).)

**Научный руководитель:**

**Нигматова Фатима Усмановна**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Алимова Халима Алимовна**  
доктор технических наук, профессор

**Арипджанова Дилафруз Ёктамовна**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Наманганский инженерно-технологический Институт**

Защита диссертации состоится 28 ноября 2020 г. в 9<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория. тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail:titlp\_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована № 87). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан 17 ноября 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 87 от 14 ноября 2020 года.)

  
  
**Б.О. Онорбоев**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н. проф.  
  
**А.Э. Гуламов**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н. проф.  
  
**Ш.Ш. Хакимов**  
Председатель Научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней, д.т.н. доц.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире сегодня особое внимание уделяется повышению качества готовой продукции текстильного и швейно-трикотажного производства путём внедрения новых технологий. «Производство материалов для швейной продукции на мировом рынке текстиля составляет 120 млрд. м<sup>2</sup>, лидирующие места здесь занимают страны Восточной и Южной Азии, США, Европа и страны СНГ». Мировая практика развитых стран показывает, что эффективной и конкурентоспособной бывает вертикально интегрированная отрасль «пяти переделов»: сырье-волокно-пряжа-ткань-готовые швейные изделия<sup>1</sup>. Комплексный анализ развития текстильной и швейной промышленности, меняющихся конъюнктуры мирового рынка в условиях усиливающейся конкуренции, требует государственной поддержки, а также разработки более устойчивых и динамичных механизмов развития.

В мировой практике в широком диапазоне проводятся научно-исследовательские работы, направленные на внедрение достижений современной науки и техники, на модернизацию техники и технологии на текстильных предприятиях, а также их широкое внедрение в производственные процессы. При разработке новых материалов и изделий на трикотажной основе требуется особое внимание уделять увеличению экспортного потенциала, сокращению потока импорта, экономии валютных средств и обеспечению растущей потребности населения. Позволяет трикотажу находить все более широкое применение для удовлетворения различных потребностей человека в индустриальной сфере и для решения широкого круга задач, относящихся к жизнедеятельности общества.

В Республике настоящее время производится широкий ассортимент швейной и трикотажной продукции, предназначенный для взрослых и детей с эластомерными нитями в структуре. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах определены такие задачи, как: «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение энергоёмкости и ресурсоемкости экономики, ... широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий»<sup>2</sup>. В структуре ассортимента спортивных изделий особую роль занимают компрессионные изделия, обеспечивающие условия комфортности, удобства, изящества и медицинские требования в процессе эксплуатации. Доля применения таких изделий постоянно возрастает и охватывает практически все ассортиментные группы, включая бельевые, верхние, чулочно-носочные, перчаточные, профилактические, спортивные и спортивно-медицинские. Главными показателями стали комфорт и антропометрическое соответствие

---

<sup>1</sup><http://textilexpo.ru/novosti/361-o-vygodakh-i-perspektivnykh-napravleniyakh-razvitiya-klasterov-v-otrasli-legkoj-promyshlennosti>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

